

11-сонли
Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ

Фарғона ш.

2022 й. «19» 01

«Кафолат суғурта компанияси» АЖ, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» номидан Фарғона вилояти филиали 04.06.2021 йил кунги 03-18/1436-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи директори У.Х.Кодиров, бир томондан "Farg'ona yo'l qurish-ta'mirlash" МСНЖ кейинги ўринларда, «Суғурта қилдирувчи» Низом асосида ҳаракат қилувчи А.Ш.Раҳимов тимсолида иккинчи тарафдан, қуйидаги шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгалари фукаролик жавобгарлигининг мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги» Қонунига асосан транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига этказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фукаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага қелиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

1.2. Ушбу шартномага киритилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарорига илова қилинган қоидаларга амал қилинади.

2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига этказилган, суғурта қилдирувчининг суғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарар бўйича жавобгарлиги суғурта қилинган, суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фукаролик жавобгарлигининг юзага қелиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фукаролик жавобгарлигининг юзага қелиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

3.1.1. Мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар этказиш;
3.1.2. Маънавий этказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага қелиши;

3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув хайдови давомида фойдаланишда зарар этказилганлиги;

3.1.4. Атроф муҳитнинг ифлосланиши;

3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар этказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;

3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлигига зарар этказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;

3.1.7. Хайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар этказилганлиги;

3.1.8. Юқни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган қорхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар этказилганлиги;

3.1.9. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қиммат баҳо дошлар ва металлларда нишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, кўлёмалар, ноёб аудио визуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст этказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;

3.1.10. Жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага қелишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида этказилган зарар.

3.2. 3.1. бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фукаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда этказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

4. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммаси ҳар бир транспорт воситаси учун **40 000 000 (Қирк миллион)** сўм миқдорига белгиланади. Улардан:

а) жабрланувчи мол-мулкига этказилган зарар учун – суғурта суммасидан 35 фоизгача;

б) жабрланувчи ҳаёти ёки соғлигига этказилган зарар учун – суғурта суммасидан 65 фоизгача;

4.2. Суғурталанаётган транспорт воситасининг сони **16 (ун олти)** дона.

4.3. Суғурта шартномаси бўйича умумий суғурта суммаси **640 000 000 (Олти юз қирк миллион)** сўм

4.4. Ҳар бир транспорт воситаси учун суғурта суммаси **40 000 000 (Қирк миллион)** сўм кўрсатилади.

- 4.5. Суғурта мукофоти бўйича ҳисоб-китоблар ҳар бир транспорт воситаси учун Ўз Р ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фукаролик мажбуриятлари суғуртаси қодалари асосида амалга оширилади.
- 4.6. Ушбу шартномага тақдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий суғурта мукофоти суммаси 1 008 000 (Бир миллион саккиз минг) сўм.
- 4.7. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган илова санасидан бошлаб 5 (беш) иш куни мобайнида бир йўла тўланади.
- 4.8. Агар мажбурий суғурта шартномаси амал қилиш даврида суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланган бўлса, суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги хабар олинган кундан бошлаб икки hafta муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва суғурта шартномасининг амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини тўлайди.

5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

- 5.1. Ушбу мажбурий суғурта шартномаси суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб қучга қиради, шартноманинг амал қилиш муддати суғурта полисида кўрсатилади.
- 5.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси суғурта мукофоти тўлангандан кейин берилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:
- 6.1.1. Суғурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.5. бандига асосан тўлаб бериши.
- 6.1.2. Хайдовчиларни (ходимларни) ЙТХ содир бўлганда ДЙХХБ ходимларини қутиши ва жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)га мажбурий суғурта полиси нусхасини тақдим этишлик тўғрисида огоҳлантириши.
- 6.1.3. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда:
- ЙТХ содир бўлганда кечиктирмасдан узоғи билан 72 соат ичида ёзма равишда суғурта полиси нусхаси билан суғурталовчинини суғурта ҳодисаси тўғрисида Ўз Р ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори б-иловасига мувофиқ хабардор этиш.
- 6.2. Суғурта қилдирувчининг Ҳуқуқлари:
- 6.2.1. Суғурта қилдирувчи жабрланувчига этказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғуртақилдирувчи этказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибда ўзи амалга оширган суғурталарни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг суғурта товонини олиши мумкин.
- 6.3. Суғурталовчининг мажбуриятлари:
- 6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ёки суғурта қилдирувчига (агар суғурта товони ўз ҳисобидан амалга оширилган бўлса) шартномада кўрсатилган ҳолларда суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш;
- 6.3.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси юқотиб қўйилган тақдирда унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.
- 6.4. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:
- 6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизатсия қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли.

7. СУГУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

- 7.1. Суғур татовони этказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) тўлаб берилади.
- 7.2. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.
- 7.3. Агар суғурта қилдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига этказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фукаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) этказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибда ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.
- Ушбу ҳолат бўйича қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:
- суғурта полиси;
 - зарар этказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиқка зарар этказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк ҳатлари, асосий воситалар дафтарида кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу қабили);
 - жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
 - мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).
 - банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси.
- 7.4. Суғурта товони суд ҳаражатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шуқаби тўловларни қопламайди.
- 7.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фукаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) узи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

- а) мазкур шахснинг касди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;
 - б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;
 - в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;
 - г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
 - д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатишган хайдовчилар фойдаланиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);
 - е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда).
- 8.2. Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган ҳаражатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бўйича жавобгар бўлади.

9.2. Шартнома шартларини бажаришда юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан, агар келишмовчилик юзага келса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Суғурталовчи:

«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ
 Фарғона вилоят филиали
 Фарғона шаҳар, 1-Янги сой
 Х/р:20216000600216313001
 «Ипотека банк» Фарғона шаҳар бўлими
 ИНН:200151306 МФО:00544
 ОКЭД:65120 тел: 243-26-62, (91)118-12-70



У.Х.Қадиров

У.Қадыров

Суғурта қилдирувчи:

Фарзона ИҚТМ МҲМ.
 Фарзона шаҳар Мустақим-си
 350г уй

Банк номи: Хашкор Банк Истифбалфр/ш.
 Х/Р: 20210 000 000 845 42 7 001
 МФО: 00965 ИНН: 305 295 089



А.Ш.Рахимов

(МЗО) М.Ў

Handwritten signature